XALQ DEPUTATLARI ZOMIN TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 31 - dekabr VI-44-214-3-48-K/22 Zomin tumani hokimligi

Зомин туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Жиззах вилоят молия бош бошқармасининг 2022 йил 30 декабрдаги 01-20-08-01-33/167-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-811-сонли Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Зомин туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 161,8 млрд. сўм, республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромадлар 28,1 млрд.сўм, харажатлари 240,1 млрд. сўм прогноз қилинганлиги ҳамда вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 112,4 млрд. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Зомин туман маҳаллий бюджет даромадларининг 2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ, Зомин туман маҳаллий бюджети даромадларининг туман маҳаллий бюджетида қоладиган қисми учун 2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Зомин туман маҳаллий бюджети харажатларнинг 2023 йил учун умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун умумдавлат солиқларидан Зомин тумани маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар меъёри бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан Зомин туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Жиззах вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. Зомин туман маҳаллий бюджетининг даромадлари режаси 5-иловага, Зомин туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида яъни 2,3 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

8. 2023 йил учун туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварағида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

9. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 $м^2$ учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 9-иловага мувофиқ белгилансин.

10. 2023 йил учун туман бюджети даромадларининг ўзига хос хусусиятлари.

Қуйидаги солиқ турлари:

а) Туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

б) Қуйидагилар вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

11. Мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

12. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (З.Омонқулов), молия

бўлими (Д.Маматқулов), Давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Худойқулов) масъул бўлинма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

13. Давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Худойқулов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

14. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Омонқулов), Давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Худойқулов), Кадастр агентлиги Зомин туман филиали (Ф.Ўралов) 2022 йилдан бошлаб юридик шаслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 $м^2$ учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин ва ушбу солиқ тури ундирилиши борасидаги ўзгаришлар тадбиркорлик субъектларига иқтисодий жиҳатдан қандай таъсир этиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатиб, Халқ депутутлари туман сессиясига ахборот киритиб борсин.

15. Давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Худойқулов) Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Жиззах минтақавий инспекцияси ҳамда туман ҳокимлиги билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

16. Мажбурий ижро бюроси туман бўлими (Н.Бўтаев) Давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Худойқулов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

17. Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси (Ш.Джураев) ва Давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Худойқулов) туман ҳокимлиги

билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. Туман ички ишлар бўлими (Ф.Тўйчиев), туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими, Давлат хизматлари агентлиги туман бўлими ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

19. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга, мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

20. Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи бироқ, 6,0 млрд. сўмдан кам бўлмаган миқдорда ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман

ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари, бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

21. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (З.Омонқулов), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, туман ҳокимлиги, тегишли бўлинма бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга ҳар чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

22. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

23. Мазкур қарор “Шарқ тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

24. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

25. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Абдуганиев**

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
1-ilova

Зомин туман маҳаллий бюджет даромадларининг
2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами	ЖАМИ	161 766 359,0
1	ЯТТ учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 465 000,0		
2	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 500 000,0		
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	21 000 000,0		
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 069 113,0		
5	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	253 000,0		
6	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	6 843 461,0		
7	Корхоналар айланмасидан солиқ	9 150 153,0		
8	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	68 048 314,0		
9	Акциз солиғи, жами (*бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ*)	6 262 128,0		
10	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 741 539,0		
11	Юридик шахслар ер солиғи	17 560 059,0		
12	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	3 887 531,0		
13	Йиғимлар	620 964,0		
14	Давлат божи	4 569 647,0		
15	Жарималар	5 545 450,0		
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	150 000,0		
17	Хусусийлаштиришдан тушум	4 100 000,0		
18	Республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромадлар	**28 097 212,0**		
	шу жумладан:			
18,1	Ароқдан акциз солиғи (шу жумладан пиво)	11 366 762,0		
18,2	Мобил алоқа хизматидан акциз солиғи	4 875 680,0		
18,3	Тамаки акциз солиғи	11 854 770,0		
	Жами даромадлар	**189 863 571,0**		

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
2-ilova

Зомин туман маҳаллий бюджети даромадларининг туман маҳаллий бюджетида қоладиган қисми учун 2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами	ЖАМИ	99 622 391,0
1	ЯТТ учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 465 000,0		
2	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 500 000,0		
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	21 000 000,0		
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 069 113,0		
5	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	253 000,0		
6	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	54 438 651,0		
7	Акциз солиғи, жами (*бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ*)	3 131 064,0		
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 741 539,0		
9	Юридик шахслар ер солиғи	7 024 024,0		

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
3-ilova

Зомин туман маҳаллий бюджети харажатларнинг 2023 йил учун умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Вилоят бюджети
Харажатлар миқдори, Жами		**240 087 337,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**218 239 100,0**
1	**Мактабгача таълим бўлими ва Давлат мактабгача таълим ташкилотлари**	**18 163 922,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	18 163 922,0
2	**Халқ таълими**	**14 974 174,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	14 974 174,0
3	**Ижтимоий нафақалар**	**71 391 847,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	71 391 847,0
4	**Соғлиқни сақлаш ташкилотлари**	**73 484 662,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	73 484 662,0
5	**Маданият соҳаси**	**1 615 805,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 419 566,0
	шундан:	
	Туман маданият булимини сақлаш харажатлари	196 239,0
6	**Болалар ўсмирлар спорт мактаби**	**3 481 705,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 481 705,0
7	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**16 761 956,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	16 761 956,0
	шундан:	
	Зомин ободонлаштириш бошқармаси	13 386 046,0
	Дренаж булимини	375 910,0
	Ички йўлларни таъмирлаш	3 000 000,0
8	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**372 915,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	372 915,0
9	**Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия маркази**	**1 862 015,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	1 862 015,0
10	**Ирригация бўлими**	**1 127 092,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 127 092,0
11	**Молия бўлими**	**1 587 368,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 587 368,0
	шундан:	
12	**Ветеринария ташкилотлари**	**1 574 264,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 574 264,0
	шундан:	
13	**Бандлик бўлими**	**618 876,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	618 876,0
14	**Туман хокимлиги**	**24 748 504,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 748 756,0
	шундан:	
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси	22 685,0
	Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти	219 959,0
	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими	2 771 419,0
	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	11 324 874,0
	Ижтимоий мослашув маркази	48 303,0
	Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»	14 939,0
	Ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 332 594,0
	Захира жамғармаси	2 264 975,0
15	**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ва ўзини ўзи бошқариш органлари**	**4 078 407,0**
	шу жумладан:	
	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими	426 157,0
	Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	3 652 250,0
16	**Ёшлар Агентлиги туман бўлими**	**4 243 825,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 243 825,0

Xalq deputatlari Zomin tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
4-ilova

Умумдавлат солиқларидан Зомин туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ	Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда)	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
Зомин тумани	80	0	100	100	100	100	50	40	100	0	100

Xalq deputatlari Zomin tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
5-ilova

Зомин туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Солиқ режаси	шундан	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
Зомин тумани	189 863 571,0	28 097 212,0	161 766 359,0	99 622 391,0	62 143 968,0

Xalq deputatlari Zomin tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
6-ilova

Зомин туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлар	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
Зомин тумани	240 087 337,0	99 622 391,0	28 097 212,0	112 367 734,0	240 087 337,0

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
7-ilova

Зомин туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/рҲудуд номи	Миқдор
1 Зомин тумани	**669 000,0**

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
8-ilova

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

№	ҚФЙ МФЙ номи	Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн.сўмда	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффитсиент (0,7-3,0)		Маҳалла кесимида 1 гектар учун ер солиғи, млн.сўмда
			камай-тирувчи	оширувчи	
1	Бахт МФЙ	32		1,09	34,9
2	Беруний МФЙ	32		1,09	34,9
3	Бешкуби МФЙ	32	1		32
4	Бирлик МФЙ	32		1,09	34,9
5	Боғишамол МФЙ	32		1,09	34,9
6	Бунёдкор МФЙ	32		1,09	34,9
7	Ғ.Ғулом МФЙ	32		1,09	34,9
8	Ғаллакор МФЙ	32		1,09	34,9
9	Гулистон МФЙ	32	1		32
10	Гулшан МФЙ	32	1		32
11	Дуоба МФЙ	32	1		32
12	Ёшлик МФЙ	32	1		32
13	Истиклол МФЙ	32	1		32
14	Қайирма МФЙ	32		1,09	34,9
15	Қўрғон МФЙ	32		1,09	34,9
16	Қўштол МФЙ	32	1		32
17	Мустақиллик МФЙ	32		1,09	34,9
18	Навбахор МФЙ	32		1,09	34,9
19	Навоий МФЙ	32	1		32
20	Нурафшон МФЙ	32		1,09	34,9
21	Нурликент МФЙ	32	1		32
22	Оби хаёт МФЙ	32	1		32
23	Оқтепа МФЙ	32		1,09	34,9

24	Пахтакор МФЙ	32		1,09	34,9
25	Пшагор МФЙ	32	1	1,09	32
26	Тараккиёт МФЙ	32		1,09	34,9
27	Туркман МФЙ	32	1		32
28	Тўрттом МФЙ	32	1		32
29	Улуғбек МФЙ	32		1,09	34,9
30	Ўзбекистон МФЙ	32		1,09	34,9
31	Халқобод МФЙ	32		1,09	34,9
32	Хамид Олимжон МФЙ	32		1,09	34,9
33	Чилонзор МФЙ	32	1		32
34	Чорводор МФЙ	32	1		32
35	Ш.Рашидов МФЙ	32		1,09	34,9
36	Ширин МФЙ	32	1		32
37	Юксалиш МФЙ	32	1		32
38	Ниҳол МФЙ	32	1		32
39	Фаровон МФЙ	32	1		32

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-44-214-3-48-K/22-son qaroriga
9-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	МФЙ ҚФЙ номи	Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси, сўмда	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қўлланилган коеффитсиент (0,7-3,0)		Маҳалла кесимида 1 кв.м учун ер солиғи, сўмда
			камай-тирувчи	оширувчи	
1	Бахт МФЙ	286	0,8		228,8
2	Беруний МФЙ	286	0,8		228,8
3	Бешкуби МФЙ	286	0,7		200,2
4	Бирлик МФЙ	286	0,8		228,8
5	Боғишамол МФЙ	286	0,8		228,8
6	Бунёдкор МФЙ	286	0,8		228,8
7	Ғ.Ғулом МФЙ	286	0,8		228,8
8	Ғаллакор МФЙ	286	0,7		200,2
9	Гулистон МФЙ	286	0,7		200,2
10	Гулшан МФЙ	286	0,7		200,2
11	Дуоба МФЙ	286	0,7		200,2
12	Ёшлик МФЙ	286	0,7		200,2
13	Истиклол МФЙ	286	0,7		200,2
14	Қайирма МФЙ	286	0,8		228,8
15	Қўрғон МФЙ	286	0,8		228,8
16	Қўштол МФЙ	286	0,7		200,2
17	Мустақиллик МФЙ	286	0,7		200,2
18	Навбахор МФЙ	286	0,8		228,8
19	Навоий МФЙ	286	0,7		200,2
20	Нурафшон МФЙ	286	0,8		228,8
21	Нурликент МФЙ	286	0,7		200,2
22	Оби хаёт МФЙ	286	0,7		200,2
23	Оқтепа МФЙ	286	0,8		228,8

24	Пахтакор МФЙ	286	0,8		228,8
25	Пшагор МФЙ	286	0,7		200,2
26	Тараккиёт МФЙ	286	0,8		228,8
27	Туркман МФЙ	286	0,7		200,2
28	Тўрттом МФЙ	286	0,7		200,2
29	Улуғбек МФЙ	286	0,8		228,8
30	Ўзбекистон МФЙ	286	0,8		228,8
31	Халқобод МФЙ	286	0,8		228,8
32	Хамид Олимжон МФЙ	286	0,8		228,8
33	Чилонзор МФЙ	286	0,7		200,2
34	Чорводор МФЙ	286	0,7		200,2
35	Ш.Рашидов МФЙ	286	0,8		228,8
36	Ширин МФЙ	286	0,7		200,2
37	Юксалиш МФЙ	286	0,7		200,2
38	Ниҳол МФЙ	286	0,7		200,2
39	Фаровон МФЙ	286	0,7		200,2